

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УМИРОВ АБДИСАЛОМ ТЎРАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Умиров Абдисалом Тўраевич

Ўзбекистонда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш.....3

Умиров Абдисалом Тураевич

Повышение конкурентоспособности страховых услуг в Узбекистане.....29

Umirov Abdisalom Turaevich

Improving the competitiveness of insurance services in Uzbekistan.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УМИРОВ АБДИСАЛОМ ТЎРАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt723. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кенжаев Илҳом Ғиёзович**
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D.), доцент

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «~~28~~» 12 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (241 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «15» 12 даги 56 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида суғурта хизматларининг рақобатбардошлиги мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини белгилаб беради. Ривожланган мамлакатларда ўртача суғурта хизматларининг «ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8-12 фоизни ташкил этади».¹ Жумладан: Тайванда 18,9 фоизни, Жанубий Кореяда 11,3 фоизни, Голландияда 11,0 фоизни, Японияда 10,8 фоизни, АҚШ 7,3 фоизга, Сингапурда 6,7 фоизни, Германияда 6,5 фоизни, БАА 2,2 фоизни, Россияда 1,4 фоизни, Покистонда 0,8 фоизни, Қозоғистонда 0,6 фоизни ташкил этади.² Мазкур ҳолат суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ҳамда суғурталовчининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш зарур эканлигидан далолат беради. Шу боис суғурта компанияларини миллий суғурта бозоридаги фойдани йирик суғурта компаниялар ўртасида қайта тақсимланишига ҳамда суғурталовчилар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларида рақобатни кучайтишига олиб келади. Бу эса суғурта компаниялар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлар доирасида самарали фаолият олиб боришни ҳамда хорижий суғурта компанияларга суғурта маҳсулотларини сотиш орқали инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Шунинг учун суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хорижий мамлакатлар амалиётида эса суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу илмий тадқиқот ишларида суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари ва суғурта маҳсулотларини таснифлаш ҳамда кенгайтириш, шу билан бирга сифатини ошириш ва суғурта хизматидан фойдаланувчилари учун ахборот алмашинувини кенгайтириш орқали суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришнинг амалий–услубий масалаларига доир муаммолар белгилаб берилган. Бироқ, жаҳонда суғурта хизматлари ва маҳсулотларининг турлича талқини, суғурта хизматларида рақобатбардошликни таъминлаш ва уни ошириш омиллари, суғурта бозорида кўрсатиладиган суғурта хизматларининг ташкилий жиҳатлари билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотларни амалга оширилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, «аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган анъанавий турларини ривожлантиришга ва янги турларини жорий қилишга

¹ <https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assessments Insurers; Comite Europeen des Assurances.pdf

² <http://www.mf.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

кўмаклашиш, кишлоқ хўжалиги фаолияти соҳасида суғурта ҳимоясини кучайтириш»³ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларни бажарилишини таъминлашда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш учун мувозанатли кўрсаткичлар тизимидан самарали фойдаланишни халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» фармони, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сон ««КАФОЛАТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ» акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сон «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш мавзусида кўпгина таниқли хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммоларга бағишланган илмий ишлари мавжуд. Жумладан, Д.Бланд, А.Манес, И.Н.Жук, К.Е.Турбина, И.А.Бабенко, В.Ф.Бадюков, Р.А.Фатхутдинов, Л.М.Калашникова, М.Е.Портер, В.К.Сенчагов, А.Н.Захаров, А.А.Зокин, М.Е.Портер, М.Н.Чепурин, Э.В.Минько, М.Кричевский, В.В.Овчинников, А.Н.Асаул, Х.С.Абаев, Д.А.Гордеев, С.Г.Журавин, В.Б.Гомеля, А.Ю.Юданов, Р.Е.Мансуров, В.И.Максимов, Е.К.Корноушенко, С.В.Качаев, В.Н.Немцев, В.А.Таран, В.Л.Белоусов, И.Максимов, В.Ю.Абрамов, Л.А.Трофимова,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

В.В.Трофимов, А.С.Соломатина, В.Л.Макаров, А.Я.Кибанов, Л.С.Киселев⁴ ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ҳ.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев, М.Х.Ходжаева, М.Т.Асқарова, Т.М.Баймуратов, Қ.М.Кўлдошев, А.С.Нуруллаев, С.Х.Умаров, И.Ғ.Кенжаев, И.Х.Абдурахмонов, Г.Т.Халиқулова, Н.А.Маврулова, С.Р.Шеров, Г.Д.Адилова, Б.Ў.Ҳақбердиев, Д.Баратова, З.Х.Базаров⁵ ва бошқаларнинг асарларида суғурта

⁴Д.Бланд. Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute 1993. А.Манес. Основы страхового дела. Сокр.пер.с нем.-М.:Издат.Центр " Анкил"; 1992. И.Н.Жук. Управление конкурентоспособностью страховых организаций. –М.: Анкил,2011.4 с. К.Е.Турбина Теория и практика страхования. М.:Анкил 2003. С.13. И.А.Бабенко, В.Ф.Бадюков, И.Н.Жук Оценка инвестиционной стоимости страховой организации при слияниях и поглощениях. М.:Анкил, 2011.С.5, Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: экономика, маркетинг, менеджмент. М.: Издательство «Дашков и К», 2002.С.356, Л.М.Калашникова Конкурентоспособность предприятий и их продукции//Машиностроитель.2003.№11.С.15-18., М.Е.Портер Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. М.:Альпина Бизнес Букс, 2006.454 с. В.К.Сенчагов, А.Н.Захаров, А.А.Зокин Конкурентоспособность и инвестиционный потенциал экономики России//Бизнес и банки. 2003.№ 43.С.421., М.Е.Портер Международная конкуренция. М.: Международные отношения,1993.896 с., М.Н.Чепурин Управление качеством. М.: ЮНИТИ. 2006.С.342., Э.В.Минько, М.Кричевский Качество и конкурентоспособность. СПб.: Питер, 2004. 272 с., В.В.Овчинников Конкурентоспособность российской экономики:текущие проблемы и перспективы // Россия и современный мир. 2004. № 2. С. 107., А.Н.Асаул, Х.С.Абаев, Д.А.Гордеев Оценка конкурентных позиций субъектов предпринимательской деятельности. СПб.: АНО «ИПЭВ», 2007.271 с., С.Г. Журавин Страховые компании в условиях глобализации. М.: Анкил, 2005. С. 44-45., ⁴ В.Б.Гомеля, Д.С.Туленцы Страховой маркетинг: Актуальные вопросы методология, теории и практики. М.: Анкил, 2000. 185 с., А.Ю.Юданов Опыт конкуренции в России. Причины успехов и неудач. М.:КНОРУС, 2008.464с., Р.Е.Мансуров Об экономической сущности понятий конкурентоспособность предприятия и управление конкурентоспособностью предприятия//Маркетинг в России и за рубежом. 2006. № 2. С.91–94., В.И.Максимов, Е.К.Корноушенко, С.В.Качаев Когнитивные технологии для поддержки принятия управленческих решений [Электронный ресурс]. В.Н.Немцев «Исследование проблем управления риском инновационного предприятия» ишнинг схемаси асосида тузилган. Монография.М.:»Анкил», 2011. с.118., В.А.Таран Конкурентоспособность предприятий: проблема современной политики и стратегия в области качества//Машиностроитель.1998. № 2.С.6-12., В.Л.Белоусов Анализ конкурентоспособности фирмы //Маркетинг в России и за рубежом.2001 №5, И.Максимов Оценка конкурентоспособности промышленного предприятия // Маркетинг. 1996.№ 3. С. 51-56., В.Ю.Абрамов, Страхование: теория и практика/ В.Ю.Абрамов — М. Волтерс Клувер, 2007.– 423-428 с.61, Л.А.Трофимова, В.В.Трофимов Управленческие решения: методы принятия и реализации. СПб.: Изд-во СПбГУФ, 2011 С.170., А.С.Соломатина Формирование многофакторной модели оценки конкурентоспособности страховой компании Ученые записки Российской академии предпринимательства.2013. Вып.С.339., В.Л.Макаров. Микроэкономика знаний. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007.204 с., А.Я.Кибанов Управление персоналом организации. М: ИНФРА-М, 2005. С.204., Л.С.Киселева Инновационная политика страховщиков в системе обеспечения экономической безопасности личности: автореф. дис.канд.эк.наук: 08.00.10.

⁵Ҳ.Р.Собиров, Суғурта: 100 савол ва жавоб.-Т.: «Мехнат», 1998 -160 б, Шеннаев Х.М.Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. М.: 1996. М.Х.Ходжаева, Суғурта фаолияти бухгалтерия хисоби ва аудитининг хозирги ахволи ва уни такомиллаштириш йўллари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: БМА-2001 130 б., М.Т.Асқарова, Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан, автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., Т.:Институт экономики АН РУз-2003.-132 ст., Т.М.Баймуратов Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: Давлат ва жамият қурилиши академияси-2004, 125 б., Қ.М.Кўлдошев Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.:БМА, 2009.23 б., А.С.Нуруллаев Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:БМА, 2007.-23 б., С.Х.Умаров Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. - М.:2013.26 стр., И.Ғ.Кенжаев Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 26 б., И.Х.Абдурахмонов Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни

хизматларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилган.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш назарий асослари атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин суғурта компаниялари рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва методологик ёндошувларни тизимлаштириш ҳамда рақобатбардошликни ошириш шартларининг асосий йўналишлари ҳамда суғурта компаниялари рақобатбардошлигининг муҳим омилларини аниқлаш ва уларга мос мувозанатли кўрсаткичлар тизими тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасини «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

суғурта компаниялари рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва методологик ёндошувларни тизимлаштириш ҳамда рақобатбардошликни ошириш шартларининг асосий йўналишларини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

суғурта компаниялари рақобатбардошлигининг муҳим омилларини аниқлаш ва уларга мос мувозанатли кўрсаткичлар тизимининг асосий кўрсаткичларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

суғурта компаниялар фаолиятига мослаштирилган, рақобатбардошликни баҳолашни кўп омилли моделини ҳамда мувозанатли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни асослаш;

суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: БМА-2010 20 б., Г.Т.Халиқулова Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 28 б., Н.А.Маврулова Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 30 б., С.Р.Шеров Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 26 б., Г.Д.Адилова Иқтисодий глобаллашув шароитида суғурта хизматларини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.Т.:ТМИ,2020.27 б., Б.Ў.Ҳақбердиев Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2020. 32 б., Д.А.Баратова Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини ривожлантириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2020. 30 б, З.Х.Базаров Ўзбекистонда тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2021. 26 б.,

суғурта компанияларининг инновацион фаоллигини ҳамда компетенцияси ва мотивациясининг ўсишини таъминловчи ташкилий ва иқтисодий тамойиларни шакллантириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон миллий суғурта бозорида суғурта хизматларини олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, ўзаро, қиёсий таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурта хизматларини кенгайтириш ва суғурталовчининг инвестицион жозибadorлигини оширишда когнитив сценарийсига мувофиқ уч дастурни жорий қилиш орқали суғурталовчининг инвестицион жозибadorлиги 5,1 фоизга ошириш имконияти аниқланган;

суғурта бозорида суғурта хизматларининг рақобатбардош устиворлигини таъминлашда суғурта полислари тўловларини виртуал тўлов тизимларига интеграциялаш орқали суғурта мукофотларини 1,1 баробарга ошириш асосланган;

узоқ муддатли йиғиб бориладиган ҳаёт суғуртасининг рақобатбардошлигини оширишда суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан кўриладиган даромадлар ҳисобига суғурталанувчи жисмоний шахсга суғурта шартномаси муддати тугаётган пайтда суғурта суммаси билан бирга тўланаётган бонус миқдорини 5 фоизга ошириш таклиф этилган;

кам қизиқиш билдириладиган инфекция касалликларидан суғурталашни ихтиёрий тиббий суғурта турлари билан биргаликда комбинациялашган тарзда сотиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғурта компанияларида когнитив усулни қўллаш орқали компаниянинг рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган;

суғурта бозорида суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда суғурталанувчиларга қулайлик яратиш мақсадида суғурта полисларига тўловларни қулай амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган;

узоқ муддатли йиғиб бориладиган ҳаёт суғуртасининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан кўриладиган даромадлар ҳисобига суғурталанувчи жисмоний шахсга суғурта шартномаси муддати тугаётган пайтда суғурта суммаси билан бирга тўланаётган бонус миқдорини ошириш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган;

ихтиёрий тиббий суғурта турининг зарарлигини пасайтириш ҳамда суғурталанувчилар томонидан кам қизиқиш билдириладиган инфекция касалликларидан суғурталаш турини оммалаштириш мақсадида уларни

биргаликда комбинациялашган тарзда сотиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Молия вазирлиги ҳамда суғурта компанияларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини оширишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда, мазкур йўналишдаги фаолиятни баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг суғурта компаниялари фаолиятига тадбиқ этилиши, суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича олинган илмий натижа асосида:

суғурта хизматларини кенгайтириш ва суғурталовчининг инвестицион жозибадорлигини оширишда когнитив сценарийсига мувофиқ уч дастурни жорий қилиш орқали суғурталовчининг инвестицион жозибадорлиги ошириш таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ нинг суғурта дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзагросуғурта» АЖ нинг 2021 йил 31 март 02-09-14/782-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўллаш натижасида суғурта компаниясининг инвестицион жозибадорлиги 5,1 фоизга ошиши имкониятини яратган;

суғурта бозорида суғурта хизматларининг рақобатбардош устиворлигини таъминлашда суғурта полислари тўловларини виртуал тўлов тизимларига интеграциялаш орқали суғурта мукофотларини ошириш бўйича таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ нинг суғурта хизматларида фойдаланилган («Ўзагросуғурта» АЖ нинг 2021 йил 31 март 02-09-14/782-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қўлланиши натижасида аҳолига суғурта хизматларини тез ва қулай тарзда етказиб бериш ҳамда миқдорлар қамров даражасини ва суғурта мукофотларини электрон тарзда қабул қилиш бир неча баробарга оширилди;

узоқ муддатли йиғиб бориладиган ҳаёт суғуртасининг рақобатбардошлигини ошириш суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан кўрилаётган даромадлар ҳисобига суғурталанувчи жисмоний шахсга суғурта шартномаси муддати тугаётган пайтда суғурта суммаси билан бирга тўланаётган бонус миқдорини ошириш бўйича таклифи «Alskom Vita» суғурта компаниясининг ҳаёт суғурта тармоғи бўйича кўрсатиладиган суғурта хизматларида фойдаланилган («Alskom Vita» суғурта

компаниясининг 2021 йил 16 февралдаги 22-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф қўлланиши натижасида суғурталанувчига қўшимча 5 фоиз бонус бериш амалиётини жорий этиш ҳисобига 1 723,94 млн. сўм суғурта мукофотини тўпланишига эришилиб, бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 3,2 баробарга ортди;

суғурталанувчиларга суғурта бадалларини қайтиш эҳтимолини кўпайтиришда кам қизиқиш билдириладиган инфекция касалликларидан суғурталашни ихтиёрий тиббий суғурта турлари билан биргаликда комбинациялашган тарзда сотиш бўйича таклифи «Alskom Vita» суғурта компаниясида суғурталанувчиларга кўрсатиладиган суғурта хизматларида фойдаланилган («Alskom Vita» суғурта компаниясининг 2021 йил 16 февралдаги 22-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф қўлланиши натижасида, инфекция касалликларидан суғурталаш тури бўйича йиғилган суғурта мукофотлари миқдори илк бор 126,7 млн. сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи боби «Суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари» деб номланиб, унда суғурта хизматларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари ҳамда суғурта хизматларида рақобатбардошликни ошириш омиллари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон суғурта бозорининг шаклланиши иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур

жараён халқ хўжалигида узоқ йиллар ҳукм сурган яккаҳокимлик тамойилидан воз кечишни, мулкларни давлат таассаруфидан чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни тақозо этди. Бундай шароитда, шубҳасиз турли хил мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектларининг молиявий хизматларга, шу жумладан, суғурта хизматига бўлган талаби кескин ошади. Хўжалик, ташкилот ва муассасалар ўзларининг эҳтиёжига мос келадиган суғурта хизматини фақат суғурта бозорига мурожат қилиш натижасидагина олиши мумкин. Бизнинг фикримизча, шу ерда суғурта бозори деганда қандай бозорни тушунамиз ва унда кимлар харидор ёки сотувчи сифатида намоён бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб бериш ўринлидир.

Суғурта компаниялари суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб, суғурта ҳимоясига бўлган индивидуал, жамоавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни таъминлайди. Шу боис суғурталашда иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши истеъмолчининг суғурта хизматларига бўлган тўловни амалга ошириш имконияти, суғурта хизматларини сотиб олиниши кераклигини англаш ва суғурталовчилар таклифи билан боғлиқ⁶.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида суғурта иши бўйича жуда катта бой тажриба тўпланиб, улардан самарали фойдаланиш натижасида суғурта ташкилотларининг рақобатбардошлигини оширишда катта ютуқлар қўлга киритилган. Шу боис Ўзбекистон Республикасида кўрсатиладиган суғурта хизматларининг халқаро суғурта бозорида тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки суғурта мукофотининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши суғурта бозори ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич умумжаҳон даражасидан анча паст. Ушбу ҳолат бўйича амалий маълумотларни қуйида тасвирланган расм маълумотларидан кўриш мумкин.




1-расм. 2019 йилда суғурта мукофотларининг ЯИМ даги улуши (%)⁷

⁶Турбина К.Е. Теория и практика страхования. М.:Анkil 2003. .13.

⁷ <http://www.mf.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқорида келтирилган 1-расмда, суғурта мукофотларининг ЯИМ даги улуши келтирилган бўлиб, Тайванда 18,9 фоизни, Жанубий Кореяда 11,3 фоизни, Голландияда 11,0 фоизни, Японияда 10,8 фоизни, АҚШ 7,3 фоизга, Сингапурда 6,7 фоизни, Германияда 6,5 фоизни, БАА 2,2 фоизни, Россияда 1,4 фоизни, Покистонда 0,8 фоизни, Қозоғистонда 0,6 фоизни ҳамда Ўзбекистонда 0,4 фоизни ташкил қилмоқда. Мазкур маълумотларни ҳар хил тусда шаклланишига асосий сабаб шундан далолат берадики, суғурта мукофотларининг ЯИМ даги улуши 10 фоиздан ошган давлатларда суғурта маданияти яхши эканлиги ҳамда уларни ҳар қандай фаолияти суғурта билан боғлиқлиги ва суғурта ихтиёрий турлари ривожланганлиги ҳамда аҳолининг суғурта маҳсулотини сотиб олишда имкониятлари катталиги билан изоҳлаш мумкин. Қолган суғурта мукофотларининг ЯИМ даги улуши 6 фоиздан юқори бўлган давлатларда потенциал суғурталанувчилар сонини камлиги ҳамда суғуртага бўлган ишончни сезилари даражада ошганлиги билан белгиласак, суғурта мукофотларининг ЯИМ даги улуши 1 фоиздан ошган ёки 1 фоиздан кам бўлган давлатларда суғурта бозорида туб ислоҳотларни олиб боришга бўлган эътиборни кучайтирилганлиги ҳамда потенциал суғурталанувчилар сонини кўплигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда суғурта мукофотини қитъаларда аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича маълумотларни қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўриш мумкин.



2-расм. Қитъаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти (АҚШ доллар)⁸.

Ушбу расмда қитъаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари келтирилган бўлиб, унда Шимолий Америкада 3969 АҚШ долларни, Лотин Америкасида 304 АҚШ долларни, Европада 1902 АҚШ долларни, Осиёда 307 АҚШ долларни яъни ушбу ҳолат Ўзбекистонда 3,6 АҚШ долларни ($3,6 \cdot 1060 = 38160$), Африкада 61 АҚШ долларни, Океанияда 2600 АҚШ долларни ташкил қилган. Таҳлил натижаларидан

⁸И.Ф.Кенжаевни «Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги PhD диссертация иши маълумотлари асосида тайёрланган.

шундай хулосага келиш мумкинки Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта хизматларини рақобатбардошлигини ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боис 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришга, суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга ҳамда суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиши ҳамда кетма-кетликда бажарилиши белгилаб қўйилди⁹

Бугунги кунда иқтисодий фан «рақобатбардошлик» тоифасининг мазмунига бир хил, умумэътироф этилган талқин бермаган, уни баҳолаш, шакллантириш ва моҳиятини очиб беришда ягона, умум қабул қилинган ёндашувни ишлаб чиқмаган. Рақобатбардошликнинг моҳиятини ўрганиш учун чуқурроқ ва кенгроқ тушунчани шакллантириш керак. Турли хил муаллифлар томонидан «корхонанинг рақобатбардошлиги» тушунчасига берилган таърифлар ўзининг иқтисодий мазмуни билан аҳамиятга моликдир.

Иқтисодчи олим П.А.Фатхутдинов рақобатбардошликни «ушбу бозорда тақдим этилган ўхшаш объектларга нисбатан муайян эҳтиёжнинг қондиришини тавсифловчи объектлар хусусияти» деб таърифлайди¹⁰. Олим рақобатбардошлик концепцияси жиҳатларини ушбу хусусиятга эга бўлган турли хил объектларни ажратиш орқали очиб беради. Шунингдек у аксарият муаллифлар сингари, объектнинг рақобатбардошлилиги муайян бозорга, бозор сегментациясининг тегишли белгилари асосида шаклланган муайян истеъмолчилар гуруҳига нисбатан белгиланади, деган фикрларини илгари суради.

Л.М.Калашникованинг фикрига кўра, «корхонанинг рақобатбардошлиги - бу кенг қамровли тушунча бўлиб, бошқарув тизими ва сифати, маҳсулот сифати, жамият ёки унинг алоҳида аъзолари томонидан талаб қилинадиган ассортиментнинг турли хиллиги ва бойлиги, барқарор молиявий ҳолати,

⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни 2019 йил 2 августда «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарори.

¹⁰Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: экономика, маркетинг, менеджмент. М.: Издательство «Дашков и К», 2002.С.356.

инновацион қобилияти, ресурслардан самарали фойдаланиши, ходимлар билан мақсадли ишлаш, сервис ва товарлар ҳаракати тизимларининг даражаси, компания имиджи билан белгиланади»¹¹.

Мазкур илмий тадқиқот ишида суғурта бозорида суғурта компанияси томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш учун энг муҳим бўлган параметрлардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ушбу тадқиқот ишида суғурта заҳираларини кўпайтириш мақсадида суғурталанувчиларни жалб қилиш, шунингдек, суғурта компанияларни капиталини кўпайтириш орқали суғурталовчининг инвестицион жозибадорлигини ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Буни биз қуйида келтирилган расмда тасвирлаганмиз.



3-расм. Суғурта компаниясининг рақобатбардошлиги¹²

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон суғурта компаниялари ўзларининг бозордаги улушини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун рақобатбардошлик ва самарадорликни оширишлари керак. Ушбу ҳолат суғурта компанияларини нафақат ўз уйларида фаол иштирок этишни, балки миллий, мингтақавий ҳамда халқаро суғурта бозорида суғурта махсулотларини сотиш орқали ўзининг инвестицион жозибадорликни оширишга имкон беради. Шундай қилиб, суғурта компанияларининг рақобатбардошлигининг доимий равишда ўсиб бориши янги суғурталовчиларни жалб қилиб, бизнесни ривожлантиради.


Суғурта компанияларининг рақобат устуворликларни шакллантиришга ва кучайтиришга интилиши рақобат стратегияларни ишлаб чиқишни ва уларни бизнес амалиётида самарали жорий этиш режасини талаб қилади.

Шунингдек суғурта компанияси рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий мақсади рақобатчиларга нисбатан узоқ муддатли устуворликни яратишдир ва бозор шароитига компанияни доимий равишда мослаштириш ва суғурта хизмати бозоридаги ўзгаришларни олдиндан кўра олиш мақсадга эришишнинг асосий шарти сифатида қаралади. Суғурта бизнесининг замонавий тузилмаси компаниянинг ўз қобилияти (компетенцияси) ва

¹¹Калашникова Л.М. Конкурентоспособность предприятий и их продукции // Машиностроитель. 2003.№11.С.15-18.

¹²Муаллиф томонидан тайёрланган.

ривожланаётган бозор имкониятлари ўртасидаги мувофиқликни аниқлашга, унга эришиш ва доимий равишда шу мувозанатни сақлаб туради. Буни биз қуйидаги расмда тасвирланган маълумотларидан кўришимиз мумкин.



4-расм. Суғурта хизматлари бозоридаги ўзгаришлар шароитида суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини шакллантириш¹³

4-расмда суғурта хизматлари бозоридаги ўзгаришлар шароитида суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини шакллантириш схемаси келтирилган бўлиб, унда «Бозор имкониятлари портфели» ва «Қобилият, билим ва малака портфели» каби иккита асосий блокдан иборат. Улар «Компаниянинг рақобатбардошлиги» блоки билан чамбарчас боғлиқдир. Компаниянинг имконияти, интеллектуал потенциали ва малакаси бозор имкониятларига қанчалик мос келишига қараб, рақобатбардошликни шакллантиришнинг икки хил цикли ишга тушади. Улар бир бирига етарли даражада мос тушган ҳолатда «Компаниянинг инновацион фаоллиги» ва «Компаниянинг суғурта хизматлари бозоридаги ўзгаришларга мослашиши» блоклари фаоллашади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда суғурта хизматларининг амалга оширишни ташкилий ва амалий жиҳатлари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон миллий суғурта бозорида кўрсатиладиган суғурта хизматларининг ташкилий жиҳатлари ва суғурта бозорида кўрсатиладиган суғурта хизматларининг ташкилий амалий жиҳатларини таҳлили ҳамда чет мамлакатлар кўрсатиладиган суғурта хизматларининг нисбий таҳлили таҳлили келтирилган.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурталовчилар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари ўзига хос бўлиб, буни биз

¹³ Муаллиф томонидан тайёрланган

суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотлари (1-жадвал)дан кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Умумий суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари таҳлили¹⁴, млрд.сўм

т/р	Суғурта ташкилотлари номи	Йиллар				2019-2020 йиллардаги ўзгариш (+ кўпайиши, - камайиши)
		2017	2018	2019	2020	
1.	«O'zbekinvest» EISK AJ	130,8	169,1	285,6	262,8	-22,8
2.	«Gross Insurance» MChJ	81,3	153,5	222,1	251,7	29,6
3.	«O'zagrosug'urta» AJ	134,3	178,0	252,6	178,2	-74,4
4.	«Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ	80,3	116,7	150,6	149,3	-1,3
5.	«Euroasia Insurance» MChJ QK SK	30,6	59,4	129,7	145,2	15,5
6.	«Apex Insurance» MChJ	-	0,6	40,2	120,3	80,1
7.	«My Insurance» MChJ SK	-	-	49,3	101,3	52
8.	«Alfa Invest» MChJ ST	61,9	82,5	96,3	97,2	0,9
9.	«Temiryo'l Sug'urta» MChJ	28,1	45,3	56,4	52,7	-3,7
10.	«Asia Inshurans» MChJ SK	35,2	56,6	71,7	51,4	-20,3
11.	«Kafil Sug'urta» MChJ	13,1	25,5	40,3	50,1	9,8
12.	«Kapital Sug'urta» AJ	24,8	55,7	46,4	49,4	3
13.	«PSB Insurance» MChJ	-	-	21,07	48,03	26,96
14.	«Alskom» AJ SK	46,1	69,0	48,4	44,1	-4,3
15.	«Ingo-Uzbekistan» SAJ	22,3	27,8	35,2	37,5	2,3
16.	«Asko-Vostok» MChJ	13,5	28,4	31,8	35,1	3,3
17.	«Imkon-Sug'urta» MChJ	-	-	3,61	29,7	26,09
18.	«Xalq Sug'urta» MChJ SK	14,8	26,6	39,5	29,0	-10,5
19.	«Universal-Sug'urta» AJ	14,5	24,3	26,8	25,5	-1,3
20.	«Hamkor Sug'urta» MChJ	7,6	14,4	18,9	25,1	6,2
21.	«INSON» MChJ SK	7,7	10,8	12,9	17,1	4,2
22.	«Omad Sug'urta» MChJ	-	-	20,66	16,5	-4,16
23.	«Garant Insurance Group» MChJ	4,8	7,5	9,3	12,8	3,5
24.	«DD-General Insurance» MChJ	3,8	8,2	9,2	11,7	2,5
25.	«Global Insurance Group» MChJ ST	10,1	10,2	11,4	9,9	-1,5
26.	«Perfect Insurance» MChJ	-	-	1,27	9,7	8,43
27.	«Unipolis» MChJ	5,1	7,3	5,2	9,1	3,9
28.	«Aria Sug'urta Tashkiloti» MChJ	-	-	-	2,7	2,7
29.	«Semurg Insurance» MChJ QK	-	-	-	8,4	8,4
30.	«Sharq - Sug'urta» MChJ	-	-	-	2,4	2,4
31.	«Trust-Insurance» MChJ	-	-	-	-	0
32.	«Mega Invest Insurance» MChJ	9,4	20,7	-	-	0
33.	«Tashkent Insurance Group» MChJ	8,5	13,1	-	-	0
Жами		788,6	1211,2	1736,41	1883,93	147,52

¹⁴Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1-жадвалда, охириги йиллар давомида умумий суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлар миқдорини ўсганлигини кўришимиз. Суғурта мукофотларининг бундай ўсишига сабаб шуки йилдан йилга иқтисодиёт тармоқларининг кенгайиши натижасида суғурта хизматларига бўлган талабни ошиб бораётганлигидан далолат беради. Умумий суғурта бозорида суғурта мукофотларини йиғишда етакчи ўринларни «O‘zagrosug‘urta» AJ, «O‘zbekinvest» EISK AJ, «Gross Insurance» MChJ, «Kafolat sug‘urta kompaniyasi» AJ лари қўлга киритган. Мазкур компанияларнинг бундай натижани қўлга киритишига асосий сабаби шундаки, биринчидан суғурта компаниялари ҳудудларда ўзларининг филиалларига эгаллиги, иккинчидан эса ушбу компаниялар суғурта хизматлар бозорида ишончли, сифатли ва тезкор хизматларни кўрсатиши орқали суғурта бозорида рақобатлаша олиш салоҳиятга эгаллиги билан ажралиб туради десак мақсадга мувофиқ десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек Ўзбекистон миллий суғурта бозорида фақатгина умумий суғурта тармоғида суғурта хизматларини олиб борувчи суғурта компаниялар рақобатлашади дегани эмас балки ҳаёт суғурта тармоғида суғурта хизматларини кўрсатиб келаётган суғурта компаниялари ҳам ҳаёт суғурта бозорида суғурта хизматларини кўрсатишда ўзига хос хусусиятга эгаллиги билан ҳаёт суғурта бозорида рақобатбардошлигини (2-жадвал) кўриш мумкин.

2-жадвал

Ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари таҳлили ¹⁵, млрд.сўм

т/р	Суғурта ташкилотлари номи	Йиллар				2019-2020 йиллардаги ўзгариш (+ кўпайиши, - камайиши)
		2017	2018	2019	2020	
1.	«New Life Insurance» MChJ	44,7	159,9	214,4	89,9	-124,5
2.	«O‘zbekinvest Hayot» MChJ	63,5	101,2	95,1	74,9	-20,2
3.	«Agros Hayot» MChJ	12,9	129,6	96,3	62,9	-33,4
4.	«Euroasia Life» MChJ	-	2,0	78,5	36,8	-41,7
5.	«Kafolat Hayot» MChJ	-	0,2	22,4	2,8	-19,6
6.	«Alfa Life» MChJ ST	17,5	24,4	67,4	21,5	-45,9
7.	«Apex Life» MChJ	-	-	11,2	17,6	6,4
8.	«Alskom Vita» MChJ	-	-	1,2	8,0	6,8
Жами		138,6	417,3	586,4	334,40	-252,0

2-жадвалда, Ўзбекистон миллий суғурта бозорида ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан 2017-2020 йиллар оралиғида йиғилган суғурта мукофотлар йилдан-йилга

¹⁵Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

пасайганлигини кўришимиз мумкин. Чунки ҳаёт суғуртасидаги ўсиш мамлакатимизда асосан давлат томонидан тақдим этилган солиқ бўйича имтиёз эвазига юз бериб келаётган эди, аммо ушбу имтиёзни қўллаш тартибига 2019 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-4412-сонли «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида бироз ўзгартириш киритилди. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидагича бўлди: суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бир йўла тўланганда ва бунда суғурта бадалларини тўлаш суғурта суммасини тўлаш санасидан олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормаيدиган тартиб бўйича амалга оширилгандагина имтиёз қўлланилади. Мана шу киритилган ўзгартириш 2019 йилда ҳаёт суғуртаси бўйича йиллик ўсиш даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Фақат имтиёзга таянган ҳолда ишни ташкил қилиш масалага бир ёқлама ёндашув бўлиб, бугунги кунда имтиёздан фойдаланиш бўйича киритилган ўзгартириш суғурта компаниялари фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан имтиёз борасидаги ўзгариш айниқса иккита компания фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди, булар «O'zbekinvest hayot» ва «Agros Hayot» компаниялари бўлиб, улар томонидан 2019 йилда тўпланган суғурта мукофотлари 2018 йилга нисбатан камайиб, мос равишда 94 % ва 74,3 % даражаларини қайд этганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари ўзига хос бўлгани сингари умумий суғурта тармоғи бўйича амалга оширилган суғурта қопламалари ҳам ўз ўрнига эгаллигини қуйида келтирилган 3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Ушбу жадвалда умумий суғурта тармоғида фаолият олиб боровчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари тўғрисида маълумотлар ўз аксини топган бўлиб, унда Ўзбекистон миллий суғурта бозорида умумий суғурта тармоғида фаолият олиб боровчи 33 та суғурта компанияси томонидан суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахсларда юзага келган турли ҳодисалари учун қоплаб берилган суғурта қопламалари келтириб ўтилган. 2017-2020 йилларда суғурта қопламаларини амалга ошириш бўйича етакчиликни қўлга киритган суғурта компаниялари қаторига «O'zbekinvest» EISK AJ, «Gross Insurance» MChJ, «O'zagrosug'urta» AJ, «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ, «Euroasia Insurance» MChJ QK SK суғурта компанияларини киритиш мумкин. Чунки ушбу компаниялари суғурта бозорида суғурта мукофотларини йиғишда ҳамда суғурта жавобгарлигини олишда ҳам етакчилик қилиб келмоқда. Бундай натижаларни қўлга киритишга асосий сабаб биринчидан мазкур компанияларнинг филиаллари сонини кўплиги туфайли суғурта портфели, суғурта жавобгарлик ҳажмининг ошганлиги, иккинчидан ишончли ва

сифатли суғурта хизматлари билан рақобатлаша олиши билан изоҳлаш мумкин.

3-жадвал

Умумий суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари таҳлили ¹⁶, млрд.сўм

т/р	Суғурта ташкилотлари номи	Йиллар				2019-2020 йиллардаги ўзгариш (+ кўпайиши, - камайиши)
		2017	2018	2019	2020	
1.	«O'zbekinvest» EISK AJ	20,3	31,0	24,2	66,6	42,4
2.	«Gross Insurance» MChJ	11,4	15,0	31,0	49,0	18
3.	«O'zagrosug'urta» AJ	93,3	65,6	97,6	91,4	-6,2
4.	«Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ	23,9	30,6	33,8	36,8	3
5.	«Euroasia Insurance» MChJ QK SK	0,8	2,8	12,7	29,4	16,7
6.	«Apex Insurance» MChJ	-	-	0,5	4,8	4,3
7.	«My Insurance» MChJ SK	-	-	5,7	14,5	8,8
8.	«Alfa Invest» MChJ ST	7,1	9,1	18,2	16,1	-2,1
9.	«Temiryo'l Sug'urta» MChJ	1,9	4,1	6,9	11,7	4,8
10.	«Asia Inshurans» MChJ SK	4,8	7,8	10,2	17,7	7,5
11.	«Kafil Sug'urta» MChJ	0,1	0,6	0,9	1,9	1
12.	«Kapital Sug'urta» AJ	6,3	6,3	14,1	11,7	-2,4
13.	«PSB Insurance» MChJ	-	-	0,15	4,9	4,75
14.	«Alskom» AJ SK	11,3	8,8	8,2	14,4	6,2
15.	«Ingo-Uzbekistan» SAJ	1,5	3,1	2,7	7,7	5
16.	«Asko-Vostok» MChJ	0,5	1,4	7,4	15,0	7,6
17.	«Imkon-Sug'urta» MChJ	-	-	-	0,3	0,3
18.	«Xalq Sug'urta» MChJ SK	1,2	2,1	2,1	8,8	6,7
19.	«Universal-Sug'urta» AJ	1,1	2,5	1,9	4,1	2,2
20.	«Hamkor Sug'urta» MChJ	0,8	1,0	1,4	1,7	0,3
21.	«Inson» MChJ SK	2,1	0,7	0,6	1,7	1,1
22.	«Omad Sug'urta» MChJ	-	-	0,9	3,6	2,7
23.	«Garant Insurance Group» MChJ	0,4	0,5	-	0,05	0,05
24.	«DD-General Insurance» MChJ	0,8	1,7	0,8	0,8	0
25.	«Global Insurance Group» MChJ ST	0,1	0,8	0,1	1,4	1,3
26.	«Perfect Insurance» MChJ	-	-	0,9	1,1	0,2
27.	«Unipolis» MChJ	0,3	0,3	-	0,03	0,03
28.	«Aria Sug'urta Tashkiloti» MChJ	-	-	0,2	0,2	0
29.	«Semurg Insurance» MChJ QK	-	-	-	-	0
30.	«Sharq - Sug'urta» MChJ	-	-	-	-	0
31.	«Trust-Insurance» MChJ	-	-	-	-	0
32.	«Mega Invest Insurance» MChJ	0,4	0,4	-	-	0
33.	«Tashkent Insurance Group» MChJ	1,1	0,7	0,6	-	-0,6
Жами		191,5	196,9	283,7	417,4	133,7

Шунингдек Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган

¹⁶Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

суғурта қопламалари ўзига хос бўлиб, ушбу ҳолатни биз қуйида келтирилган (4-жадвал) маълумотларидан кўришимиз мумкин.

4-жадвал

Ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари таҳлили¹⁷, млрд.сўм

т/р	Суғурта ташкилотлари номи	Йиллар				2019-2020 йиллардаги ўзгариш (+ кўпайиши, - камайиши)
		2017	2018	2019	2020	
1.	«New Life Insurance» MChJ	25,0	98,7	230,6	88,9	-141,7
2.	«O'zbekinvest Hayot» MChJ	37,6	68,1	110,4	86,8	-23,6
3.	«Agros Hayot» MChJ	3,3	79,1	109,8	48,2	-61,6
4.	«Euroasia Life» MChJ	-	0,4	23,9	25,0	1,1
5.	«Kafolat Hayot» MChJ	-	0,0	14,4	18,4	4
6.	«Alfa Life» MChJ ST	12,4	17,6	39,1	38,0	-1,1
7.	«Apex Life» MChJ	-	-	0,9	6,8	5,9
8.	«Alskom Vita» MChJ	-	-	0,2	5,9	5,7
Жами		78,3	263,9	529,3	318,0	-211,3

4-жадвалда ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари тўғрисида маълумотлар ўз аксини топган бўлиб, 2017 йилда «New Life Insurance» MChJ суғурта компанияси томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари 25,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 230,7 млрд.сўмни ташкил қилиб, ушбу суғурта компанияси томонидан 2017 йилга нисбатан 2020 йилда амалга оширилган суғурта қопламалари 205,7 млрд.сўмга, 2017 йилда «O'zbekinvest Hayot» MChJ суғурта компанияси томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари 37,6 млрд.сўм бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 110,4 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 2020 йилда 72,8 млрд.сўмга, 2017 йилда эса «Agros Hayot» MChJ суғурта компанияси томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари 3,3 млрд.сўм бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 109,9 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 2020 йилда 106,6 млрд.сўмга, «Euroasia Life» MChJ суғурта компанияси томонидан 2018 йилда амалга оширилган суғурта қопламалари 0,4 млрд.сўмни бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 23,9 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2017 йилда 2020 йилга нисбатан 23,2 млрд.сўмга, «Kafolat Hayot» MChJ суғурта компанияси томонидан 2019 йилда амалга оширилган суғурт қопламалари 14,3 млрд.сўмни бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 14,4 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда бу кўрсаткич 0,1 млрд.сўмлик суғурта қопламалари кўп амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса келиш мумкинми, ҳаёт суғурта тармоғида фаолият олиб борувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари йиллар мобайнига ўсиб боришига асосий сабаб, аҳоли ўртасида суғурта маданиятини тубдан яхшиланиб бориши натижасида ҳаёт суғуртасига бўлган талабни суғурта бозорида ортиши натижасида ҳаёт суғурта бозорида йиғилган суғурта

¹⁷Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

